

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОДАМ АНАТОМИЯСИ КАФЕДРАСИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 31

**МАВЗУ: ҚИЗИЛЎНГАЧ, ҚОРИН БЎШЛИҒИ АЪЗОЛАРИ
ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР. МЕЪДА. УЛАРНИНГ
ЁШГА ҚАРАБ ЎЗГАРИШИ.**

Кафедра мудири: Х.А.Расулов

Тошкент 2009

31-амалий машғулот (10-маъруза)

Мавзу: Қизилўнгач, қорин бўшлиғи аъзолари ҳақида умумий маълумотлар. Меъда. Уларнинг ёшга қараб ўзгариши.

Машғулотнинг мақсади:

Талабаларга қизилўнгач, қорин бўшлиғи аъзолари ва меъданинг тузилишини, вазифасини, уларнинг одам организмидаги аҳамиятини ва ёшга қараб ўзгаришини тушунтириш.

Вазифалар:

- қизилўнгач, қорин бўшлиғи аъзолари ва меъдадаги ҳосилаларнинг ўзбекча ва лотинча номларини ўргатиш
- қизилўнгач, қорин бўшлиғи аъзолари ва меъданинг қисмларини кўрсатиш
- қизилўнгач, қорин бўшлиғи аъзолари ва меъданинг болалардаги хусусиятларини билиш

Назарий қисм:

Талабаларнинг назарий ва амалий билимларини аниқлагач ўқитувчи қизилўнгач, қорин бўшлиғи аъзолари ва меъданинг тузилишини, уларнинг вазифасини ва одам организмидаги аҳамиятини тушинтириб беради.

қизилўнгач (esophagus) биров яссиланган най бўлиб, овқат луқмасини ҳалқумдан меъдага ўтказиб беради. Унинг узунлиги 25-30см. У VI-VII бўйин умуртқалари соҳасидан бошланиб, X-XI кўкрак умуртқалари соҳасида кенгайиб меъданинг кириш қисмига ўтиб кетади. Унда уч: бўйин, кўкрак ва қорин қисмлари тафовут қилинади. Унинг бўйин қисми VII бўйин умуртқаси соҳасига тўғри келади. Кўкрак қисми умуртқа поёнасининг олдида жойлашган. Унинг қорин қисми 1-3 см бўлиб, жигар чап бўлагининг орқа юзасига тегиб туради. қизилўнгачнинг 3-та тороймаси бор. Уларнинг биринчиси ҳалқумнинг қизилўнгачга ўтиш жойида, иккинчиси қизилўнгачни чап бронх билан кесишган жойида, учинчиси қизилўнгачни диафрагмадан ўтган жойида.

қизилўнгачни девори тўрт қаватдан иборат:

Шиллиқ қават нисбатан қалин, бўйлама бурмалари, шиллиқ безлари ва лимфоид тугунчалари бор.

Шиллиқ ости қават яхши ривожланган бўлгани учун шиллиқ қават бурмалар ҳосил қилади.

Мушак қават ички айланма ва ташқи бўйлама қаватдан ташкил топган. қизилўнгачнинг юқори 1/3 қисмида мушак қавати кўндаланг тарғил мушакдан, пастки 2/3 қисмида силлиқ мушак толаларидан тузилган.

Бириктирувчи тўқимали қават юмшоқ толали бириктирувчи тўқимадан ташкил топган.

Янги туғилган чақалоқ қизилўнгачи узунлиги 10-12 см, кенлиги 2 ойлик болада 4-9 мм. Унинг бошланиш жойи III-IV бўйин умуртқалари ўртасидаги тоғай диск соҳасида бўлса, 2 ёшда IV-V, 15 ёшда VI-VII бўйин

умурткалари соҳасига тушади. Унинг пастки чегараси Х кўкрак умурткаси соҳасида бўлиб ёшга қараб кам ўзгаради.

қорин бўшлиғи юқоридан диафрагма билан, пастдан кичик чанок бўлиши билан чегарланади. Уни орқа томонда бел умурткалари, олд томондан қорин мушаклари чегаралайди. қорин бўшлиғида меъда, ингичка ва йўғон ичак, жигар, меъда ости бези, талоқ, буйрак, буйрак усти бези, сийдик йўли жойлашган.

Меъда (ventriculus) ҳазм найини энг кенгайган қисми. Меъданинг олдинги ва орқа деворлари тафовут қилинади. Деворларини ўзаро бирикишидан катта ва кичик эгриликлар ҳосил бўлади. Кичик эгриликни пастки қисмида бурчак ўймаси бор. Кичик эгриликни юқори қисмида қизилўнгачни меъдага ўтиши тешиги жойлашган бўлиб, меъданинг бу тешикка ёндошган қисми pars cardiaca деб аталади. Бу қисм чап томонга гумбаз шаклида кўтарилиб меъда тубини ҳосил қилади. Меъданинг ўнг торайган чиқиш қисми иккига: кенгайган чиқиш ғори ва тор чиқиш каналига ажратилади. Меъданинг ўн икки бармоқли ичакка ўтиши ерида чиқиш тешиги жойлашган. Меъданинг туби билан чиқиш қисми ўртаси меъда танаси деб аталади.

Меъданинг девори қуйидаги қаватлардан иборат.

1.Шиллиқ қават пушти рангли бўлиб унинг қалинлиги 0,5-2,5 мм. Унда турли йўналишдаги бурмалар жойлашган. Бурмалар кичик эгрилик бўйлаб бўйламасига йўналади. қолган қисмларида улар юлдузсимон шаклда бўлади. Бурмаларнинг ичида меъда майдончалари бўлиб, уларнинг юзасида меъда безларининг тешиклари очиладиган меъда чуқурчалари жойлашган.

2.Шиллиқ ости қават нисбатан қалин ва ҳаракатчан бўлгани учун шиллиқ қават бурмалар ҳосил қилади.

3.Мушак қават уч қаватдан иборат: ташқи бўйлама қават кўпроқ кичик ва катта эгриликлар бўйлаб жойлашган. Орта айланма қават кучли ривожланган бўлиб, меъданинг чиқиш қисмида қалинлашиб қисқични ҳосил қилади. Ички қийшиқ қават меъданинг кардиал қисмидан бошланиб олдинги ва орқа томонларга йўналади.

4.Сероз қават меъдани ҳамма томондан ўрайди.

Янги туғилган чақалоқ меъдасини туби, кириш ва чиқиш қисмлари яхши билинмайди. Уларда меъда цилиндр, шох ва қармоқ шаклларида учрайди. Бола ҳаётининг 4-6 ойларида меъданинг чиқиш қисми, 10 ойида эса туби билина бошлайди. Болаликни иккинчи даврида меъда катталарникига ўхшаш шаклни ва жойни эгаллайди.

Интерфаол усуллардан «Галерея бўйлаб саёҳат» усулини қўлаймиз. Учта турли хил савол учта кичик гуруҳга берилади. 1.қизилўнгачнинг тузилиши. 2.Меъданинг шқи тузилиши. 3.Меъда деворининг тузилиши. Кейин гуруҳлар алмашиб бошқасини хатосини тўғрилайди ва тўлатади. Кимнинг жавоби тўлиқ бўлиб, кам тўғриланса, у тўғри ҳисобланади ва гуруҳнинг барча қатнашчиларга бир хил баҳо қўйилади.

Тест саволлари

1. ҚизилЎНГАЧНИНГ қандай қисмлари БОР?

- а. pars oralis, cervicalis, thoracica
- б. pars nasalis, pars thoracica, pars abdominalis
- в. pars superior, media, inferior
- г. pars cervicalis, pars thoracica, pars abdominalis
- д. pars anterior, superior, inferior

2. ҚизилЎНГАЧ ДЕВОРИ қандай қаватлардан ИБОРАТ?

- а. сероз, мускул ва шиллик
- б. шиллик, шиллик ости, мушак, адвентация
- в. шиллик, шиллик ости, мушак, сероз
- г. шиллик ости ва адвентация
- д. шиллик, мушак ва адвентация

3. меъданинг қандай қисмлари бор?

- А. pars cardiaca, corpus, pars pylorica
- б. pars pylorica, fundus, cervicis, corpus
- в. pars cardiaca, corpus, fundus, pars pylorica
- г. pars cardiaca, cervicis, corpus, fundus
- д. fundus, pars pylorica, cerVICIS

4. меъданинг кириш қисми қайси?

- А. pars pylorica
- б. fundus
- в. canalis pyloricus
- г. corpus
- д. pars cardiaca

5. меъданинг чиқиш қисми қайси

- а. corpus ventricul
- б. pars pylorica
- в. tundus
- г. pars cardiaca
- д. ostium cardiacum

6. меъданинг қизилЎнғач билан туташган қисми

- А. pars cardiaca
- б. canalis pyloricus
- в. pars pylorica
- г. fundus
- д. corpus ventriculi

7. янги туғилган болалар қизилЎнғачи узунлиги

- а. 10-12 см
- б. 5-6 см
- в. 7-8 см
- г. 15-18 см
- д. 20 см

8. қайси даврда қизилЎнғач узунлиги икки марта ошади

- а. эмизикли даврда
- б. эрта болаликда
- в. болаликни 1 даврида
- г. болаликни ii даврида
- д. осмирлик даврида

9. меъданинг девори қаватлари
- шиллик, мушак, адвентициал, сероз
 - шиллик, мушак, сероз ости, сероз
 - шиллик, шиллик ости, мушак, сероз
 - шиллик ости, мушак, сероз, ости сероз
 - шиллик ости, мушак, адвентициал, сероз

10. меъда безлари қаерда кўп топланган?

- | | |
|------------------|----------------------|
| а. танасида | г. fundus |
| б. pars pylorica | д. corpus ventriculi |
| в. pars cardiaca | |

Топшириқлар:

- қизилўнгач ва меъданинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг латинча номларини айтиб, вазифасини билиш
- қизилўнгач ва меъдадаги асосий анатомик белгиларини кўрсатиб бериш
- қизилўнгач ва меъданинг болалардаги хусусиятларини билиш
- Мавзу бўйича талабаларни баҳолаш варақасини тўлдириш

Одам анатомияси фанидан талабаларни баҳолаш варақаси

Аъзонинг номи: қизилўнгач, меъда

Терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
лотинча	ўзбекча	русча		

Баҳолаш мезони:

Балл	Баҳо	Талабанинг фан бўйича билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба қизилўнгач ва меъданинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг латинча номларини айтиб, вазифасини тушунтира олса. Уларининг болалардаги хусусиятларини айтиб берса.
71-85	Яхши	Талаба қизилўнгач ва меъданинг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг латинча номларини айтиб, вазифасини тушунтира олса.
55-70	қониқарли	Талаба қизилўнгач ва меъданинг тузилиши ва вазифаси тўғрисида тасаввурга эга бўлса.
		Талаба қизилўнгач ва меъданинг тузилиши

0-54

қоникарсиз

ва вазифаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаса.

Жорий назорат саволлари

1. қизилўнгачнинг қандай қисмлари бор?
2. қизилўнгачнинг тораймалари қаерда жойлашган?
3. қизилўнгач девори қандай қаватлардан иборат?
4. қизилўнгачнинг болалардаги хусусиятлари қандай?
5. қорин бўшлиғининг чегаралари қандай?
6. қорин бўшлиғида қайси аъзолар жойлашган?
7. Меъдани қандай қисмлари бор?
8. Меъда девори қандай қаватлардан иборат?
9. Меъданинг шиллиқ қаватида нималар бор?
10. Меъданинг мушак қавати қандай тузилган?
11. Меъданинг болалардаги хусусиятлари.